

وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ سَعْدِ بْنِ مَالِكٍ بْنِ سِنَانٍ الْخُدْرِيِّ رضي الله عنه: أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «كَانَ فِيمَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ رَجُلٌ قَتَلَ تِسْعَةً وَتِسْعَينَ تَعْسَى، فَسَأَلَ عَنْ أَعْلَمِ أَهْلِ الْأَرْضِ، فَدُلِّلَ عَلَى رَاهِبٍ، فَأَتَاهُ فَقَالَ: إِنَّهُ قَتَلَ تِسْعَةً وَتِسْعَينَ تَعْسَى، فَهَلْ لَهُ مِنْ تَوْبَةٍ؟ فَقَالَ: لَا فَقْتَلَهُ فَكَمَلَ بِهِ مِئَةً، ثُمَّ سَأَلَ عَنْ أَعْلَمِ أَهْلِ الْأَرْضِ، فَدُلِّلَ عَلَى رَجُلٍ عَالِمٍ فَقَالَ: إِنَّهُ قَتَلَ مِئَةً تَعْسَى فَهَلْ لَهُ مِنْ تَوْبَةٍ؟ فَقَالَ: نَعَمْ، وَمَنْ يَحُولُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ التَّوْبَةِ؟ انْطَلَقَ إِلَى أَرْضِ كَذَا وَكَذَا، فَإِنَّ إِنَّهَا أُنَاسًا يَعْبُدُونَ اللَّهَ تَعَالَى فَاعْبُدِ اللَّهَ مَعَهُمْ، وَلَا تَرْجِعْ إِلَى أَرْضِكَ، فَإِنَّهَا أَرْضُ سُوءٍ، فَانْطَلَقَ، حَتَّى إِذَا نَصَفَ الطَّرِيقَ أَتَاهُ الْمَوْتُ، فَأَخْتَصَمَتْ فِيهِ مَلَائِكَةُ الرَّحْمَةِ وَمَلَائِكَةُ الْعَذَابِ، فَقَاتَلَتْ مَلَائِكَةُ الرَّحْمَةِ: جَاءَ تَائِيًّا مُفْبِلًا بِقَلْبِهِ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى، وَقَاتَلَتْ مَلَائِكَةُ الْعَذَابِ: إِنَّهُ لَمْ يَعْمَلْ خَيْرًا قَطُّ، فَأَتَاهُمْ مَلَكٌ فِي صُورَةِ آدَمِيٍّ فَجَعَلُوهُ بَيْنَهُمْ، فَقَالَ: قِيسُوا مَا بَيْنَ الْأَرْضَيْنِ فَإِلَى أَيْتَهُمَا كَانَ أَدْنَى فَهُوَ لَهُ، فَقَاسُوا فَوَجَدُوهُ أَدْنَى إِلَى الْأَرْضِ الَّتِي أَرَادَ، فَقَبَضَتْهُ مَلَائِكَةُ الرَّحْمَةِ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 3470، م 2766].

وَفِي رِوَايَةِ الصَّحِيفَةِ: «فَكَانَ إِلَى الْفَرِيَةِ الصَّالِحةِ أَقْرَبَ بِشِيرٍ، فَجُعِلَ مِنْ أَهْلِهَا». [م 2766، خ 3470، م 2766/48].

وَفِي رِوَايَةِ الصَّحِيفَةِ: «فَأَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى هَذِهِ أَنْ تَبَاعَدِي، وَإِلَى هَذِهِ أَنْ تَقْرِي، وَقَالَ: قِيسُوا مَا بَيْنَهُمَا، فَوُجِدَ إِلَى هَذِهِ أَقْرَبَ بِشِيرٍ، فَغُفِرَ لَهُ» [خ 3470، م 2766/48].

وَفِي رِوَايَةِ: «فَنَأَى بِصَدْرِهِ نَحْوَهَا». [م 2766/47]

Абу Саид Саъд ибн Молик ибн Синон ал-Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Сизлардан олдин ўтганлардан бир киши тўқсон тўққизта одамни ўлдириди. Кейин дунёдаги энг илмли одамни сўради. Уни бир роҳибга йўллашди. У роҳибнинг олдига бориб, ўзининг тўқсон тўққизта одамни ўлдирганини айтиб, «Энди менга тавба борми?» деди. У «Йўқ», деган эди, уни ҳам ўлдириб, (ўлдирган одамлари сонини) юзтага етказди. Кейин у яна дунёдаги энг илмли одамни сўради. Уни бир олим кишига йўллашди. У унга ўзининг юзта одам ўлдирганини айтиб, «Энди менга тавба борми?» деди. У шундай деди: «Ҳа. Сени тавбадан ким ҳам тўса оларди? Сен фалон-фалон жойга боргин, у ерда Аллоҳ таолога ибодат қиласиган одамлар бор. Улар билан Аллоҳга ибодат қиласиган, лекин ўз юртингга қайтмаган, чунки у ёмон ердир», деди. У йўлга тушди. Яrim йўлга етганда унинг ажали етди. Шунда раҳмат фаришталари билан азоб фаришталари унинг устида тортишиб қолишиди. Раҳмат фаришталари: «У тавба қилиб, қалби Аллоҳга юзланган ҳолда келган эди», дейишиди. Азоб фаришталари эса: «У ҳеч бир яхши амал қилмаган эди», дейишиди. Шу пайт одам суратидаги бир фаришта келиб қолди. Уни ўрталарида ҳакам қилишиди. У: «Икки ернинг орасини ўлчанглар. У қайсисига яқин бўлса, ўшан(инг аҳли)дан бўлади», деди. Ўлчаб кўришса, у кетаётган ерига яқинроқ экан. Шундай қилиб, уни раҳмат фаришталари олиб кетишиди».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа бир саҳиҳ ривоятда: «Яхши юртга бир қарич яқин экан. У ўша шаҳар аҳлидан саналибди», дейилади.

Яна бир бошқа саҳиҳ ривоятда эса қуйидагича айтилади:

«Аллоҳ таоло: «Келган тарафдаги ерга узоқ бўл, бораётган тарафдаги ерга яқин бўл», деб ваҳий қилди. Ва: «Икковининг орасини ўлчанглар», деди. Натижада бораётган томонига бир қарич яқин экан. Бас, у мағфират қилинди».

Бошқа ривоятда: «Кўкси билан ўша томонга йиқилган», дейилган.

Манба: hadis.islom.uz



